

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИҚУЛОВ РУСТАМ ВАЛИЕВИЧ

**COLCHICUM VA MERENDERA НИНГ ГОМОПРОАПОРФИН ВА
ГОМОАПОРФИН АСОСЛАРИНИНГ СИНТЕЗИ, ТУЗИЛИШИ ВА
МОДИФИКАЦИЯСИ**

**02.00.03-Органик кимё
02.00.10-Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Алиқулов Рустам Валиевич

Colchicum va Merendera ning gомопропорфин ва гомоапорфин
асосларининг синтези, тузилиши ва модификацияси.....3

Аликулов Рустам Валиевич

Синтез, структура и модификация гомопропорфиновых и
гомоапорфиновых оснований Colchicum и Merendera..... 27

Alikulov Rustam

Synthesis, structure and modification of homoporphine and
homoaporphine bases Colchicum and Merendera.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИҚУЛОВ РУСТАМ ВАЛИЕВИЧ

**COLCHICUM VA MERENDERA НИНГ ГОМОПРОАПОРФИН ВА
ГОМОАПОРФИН АСОСЛАРИНИНГ СИНТЕЗИ, ТУЗИЛИШИ ВА
МОДИФИКАЦИЯСИ**

**02.00.03-Органик кимё
02.00.10-Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/K77 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ik-kimyو.nuu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Тураев Хайит Худайназарович
кимё фанлари доктори, профессор

Бобоев Баҳром Нуриллаевич
кимё фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Абдушукуров Анвар Кабирович
кимё фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Шавкат Воҳидович
кимё фанлари доктори, профессор

Раҳманбердиев Гаппор
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K.01.03 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг «28» 10 2020 йил соат 1000 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-07-88; 227-12-24 факс: (+99871) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетнинг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№70 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-07-88; 227-12-24 факс: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2020 йил «15» 10 куни тарқатилди.
(2020 йил «15» 10 даги 7 рақамли реестр баённомаси).



Х. Т. Шарипов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д. А. Гафурова
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

А.К. Абдушукуров
Илмий даражалар берувчи бир
марталик илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда ўсимликлар таркибида учрайдиган органик асослар - алкалоидлар хилма-хил кимёвий тузилиш ва физиологик фаолликка эга бўлиб, улар органик бирикмаларнинг катта синфини ташкил қилади. Алкалоидларнинг тузилиши ва физиологик фаоллигини чуқур ўрганиш назарий органик кимё ва тиббиёт амалиётига катта ҳисса қўшмоқда. Ҳозирги кунда ҳам алкалоидларни атрофлича тадқиқ этиш фан ва амалиётга янгидан янги натижалар бермоқда. Уларнинг тузилишидаги ўзига хосликларни исботлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда органик синтез ва тиббиёт амалиётида трополон гуруҳи алкалоидлари асосида яратилган доривор воситалар кенг кўламда ишлатилмоқда. Трополон гуруҳи алкалоидларининг манбаи лолагулдошлар оиласига мансуб савринжонлар (*Colchicum L.*) ва уларга яқин бўлган лолагулдошлар оиласи ўсимликлари ҳисобланади. Ушбу алкалоидларнинг хилма-хил тузилишларини, муҳим физиологик ҳоссаларини ва янги вакиллари излаш бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Мамлакатимизда кимё саноати соҳасини ривожлантириш мақсадида замонавий талабларга жавоб бера оладиган, ўсимликлардан доривор моддаларни ажратишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилмоқда ва ҳозирги кунда доривор препаратлар олишнинг янги услубларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чоратадбирлар асосида муайян натижаларга, айниқса, доривор ўсимликлар таркибидаги физиологик фаол моддаларни ажратиб олиш, уларнинг захарлилик даражаси кам бўлган ҳосилаларини синтез қилиш, шунингдек, синтез қилинган бирикмалар таркиби, тузилиши ва ҳоссаларини ўрганиш, уларнинг физиологик фаоллигининг тузилишига боғлиқлигини аниқлаш, улар асосида доривор препаратлар тайёрлаш ҳамда қўллаш бўйича кенг кўламда тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартиришга» қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хом ашёлар асосида доривор препаратларни ишлаб чиқариш учун замонавий органик синтезнинг иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик тоза усуллари яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

«Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3983-сон, 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3479-сон Қарорлари, 2019 йил 10 апрелдаги «Республикамизда 2019-2021 йилларда фармацевтика соҳасини жадал ривожлантиришнинг кейинги чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5707-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожланишининг VII. Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Ўсимликлардан алкалоидларни ажратиб олиш ва уларнинг модификациясига йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва университетлари, жумладан: Туркия техника университети (Туркия), Қирол Сауд университети (Саудия Арабистони), Дания ботаника боғининг табиат тарихи музейи (Дания), Кёльн университетининг органик кимё институти (Германия), Париж университети (Франция), Кюшу университети (Япония), Пешовар университети (Покистон), Россия фанлар академиясининг И.М.Сеченов номидаги эволюцион физиология ва биокимё институти (Россия), ўсимлик моддалари кимёси институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Савринжон алкалоидлари модификацияси ва тузилиши бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида, жумладан: *Colchicum speciosum* алкалоидларининг одатий ва критик суяқлик муҳитидан ажратиб олишнинг экстракция усули ишлаб чиқилган (Туркия техника университетининг Neutec Pharmaceuticals илмий-тадқиқот маркази, Туркия; Қирол Сауд университети, Саудия Арабистони), колхицин ва унинг ҳосилалари синтез қилинган (Германия), *Colchicaceae* алкалоидлари тиббиёт кимёсининг ривожланиш истиқболлари аниқланган (Дания ботаника боғи), баъзи трополон алкалоидлари ва уларнинг люминоҳосилаларининг антиколинэстеразали фаолликлари аниқланган (РФА И. М. Сеченов номидаги эволюцион физиология и биокимё институти, Россия), савринжонлар алкалоидлари ажратиб олинган, тузилиши аниқланган ва ҳосилалари синтез қилинган (ЎЗРФА О.С.Содиқов номидаги ўсимлик моддалари кимёси институти, Ўзбекистон).

Дунёда янги гомоапорфин ва гомопроапорфин алкалоидлар синтези, модификацияси ва «*тузилиш -реакцион қобилият– биологик фаоллик*» ўзаро

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.scholar.google.com>, <http://www.sciencedirect.com> ва бошқа манбаалар материаллари асосида тайёрланган.

боғлиқлигини аниқлаш, улардан қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда фойдаланиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўсимликлар таркибидаги алкалоидларни ажратиш олиш усуллари ишлаб чиқиш ва уларни фракцияларга ажратиш, тўйинмаган ва эфирли гуруҳлар билан модификацияланган алкалоидлар тузилиши ҳамда хоссаларининг боғлиқликларни аниқлаш; модификацияланган алкалоидларнинг физиологик ва фармакологик фаолликларини аниқлаш; экологик тоза, арзон ва кам концентрацияларда юқори самарали препаратлар ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда жаҳоннинг турли мамлакатларида ўсимликлардан алкалоидларни ажратиш олиш, синтез қилиш ва уларнинг модификациясига доир тадқиқотлар етакчи олимлар E.Tojo, M.H. Abu Zarga, S.S.Sabri, A.J.Freyer, M.Shamma, J.Holubek, A.H.Jackson, J.A.Martin, K.L. Stuart, M.P.Cava, K.Bernauer, W.Hofheinz, F. Santavy, A.R.Battersby, R.B.Bradbury, R.B.Herbert, M.H.Munro, R.Ramage, T.Kametani, Fukumoto K., F.Satoh, R.E.Harmon, W.V.Curran, T.Reichstein, G.Snatzke, H.Hara, O.Hoshino, B.Umezawa, W.Dopke, P.W.Jeffs, L.J. Haynes, D.H.R.Barton, G.W.Kirby, Б.Ч.Чоммадов, В.В.Киселев, А.М.Попов, Т.Н.Макарёва, А.А.Трозьяннинг илмий мактаблари шуғулланишган.

Республикамизда трополон, гомоапорфин ва гомопроапорфин алкалоидлари шунингдек, алкалоидлар кимёси, тузилиши ва биологик фаоллиги соҳасида А.С.Содиқов, М.К.Юсупов, Х.А.Асланов, А.И.Бегишева, З.К.Еникеева, Х.Турдикулов, Д.А.Абдуллаева, А.М.Усманов, Н.Л.Мухамедьярова, К.М.Зупарова томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Натижада трополон, гомоапорфин ва гомопроапорфин алкалоидларини ўсимликлардан ажратиш олиш, уларнинг ҳосилаларини самарали синтез усуллари яратилган, шунингдек, олинган бирикмаларнинг тузилиши кимёвий ўзгаришлар ва замонавий спектроскопик усуллари қўллаш орқали янги маълумотлар билан бойитилган.

Лекин, адабиётлардаги маълумотлар таҳлили натижаларига кўра Ўрта Осиёда ўсадиган савринжон ўсимликларидан алкалоидларни ажратиш бўйича тадқиқотлар ва алкалоидларининг модификацияси чуқур ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-7-29-сонли Марказий Осиёда ўсадиган *Colchicum L.* ўсимликлари алкалоидлари ва уларнинг тадқиқоти” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Осиёда ўсадиган *Colchicum Luteum*, *Colchicum Kesselringii*, *Merendera robusta* ўсимликларидан гомопроапорфин ва гомоапорфин асосларини ажратиш олиш, уларнинг тузилишини аниқлаш, колхамин ҳамда аминоколхаминнинг учбоғ тутган ҳосилаларини синтез усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Марказий Осиёда ўсадиган *Colchicum Luteum*, *Colchicum Kesselringii* ва *Merendera robusta* ўсимликларидан гомопропорфин ва гомоапорфин асосларининг суммасини экстракцион ажратиш олиш ҳамда уларни хроматографик усуллар ёрдамида ўзаро ажратиш;

гомопропорфин ва гомоапорфин асосларининг ўсимликлардаги сифат ва миқдорий таркибининг ўсимликларнинг тури, органлари ва ўсиш жойларига боғлиқлигини аниқлаш;

Colchicum Luteum, *Colchicum Kesselringii* ва *Merendera robusta* ўсимликлари таркибидаги алкалоидлар тузилиши ва конфигурациясини физик-кимёвий ҳамда спектрал усуллар (УБ, ИҚ, масс- ва ^1H , ^{13}C ЯМР) ёрдамида аниқлаш;

ажратиш олинган янги гомопропорфин ва гомоапорфин асосларининг тузилишини кимёвий усуллар (қисман синтез), физик-кимёвий ва спектрал усуллар ёрдамида тасдиқлаш;

колхамин ва аминоколхаминнинг карбиноллар билан мураккаб эфирлари синтезига ҳарорат, реагентлар нисбати ва бошқа омиллар таъсирини аниқлаш;

ўсимликлар таркибидан гомопропорфин ва гомоапорфин асосларини ажратиш олишининг ишлаб чиқилган усулини, ажратиш олинган алкалоидларни модификациялаш усулини, шунингдек янги синтез қилинган асосларни амалиётда қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти *Colchicum kesselringii*, *Colchicum luteum baker*, ва *Merendera robusta* ўсимликлари, нейтрал, асосли алкалоидлар ва уларнинг ҳосилалари, колхаминнинг мураккаб эфирлар ҳамда ацетилен боғли карбиноллар билан ҳосилалари, 12-деметилрегеколин, лутергин, лутергинин, лутеидин, 12-деметилрегелинон, 12-деметилрегелин ва уларнинг ҳосилалари, шунингдек, улар асосида синтез қилиб олинган маҳсулотлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ўсимликлардан алкалоидларни экстракция қилиш ва ажратиш, тузилиши ва конфигурациясини аниқлаш, уларни кимёвий модификациялашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг усуллари сифатида органик синтез, УБ, ИҚ, ЯМР, ПМР спектроскопия, масс-спектрометрия, юпқа катламли, колонкали хроматография, шунингдек, алкалоидларни кимёвий модификациялаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор таркибида алкалоидлар бўлган *Colchicum* турига кирувчи ўсимликлардан алкалоидларни 3% ли сирка кислота эритмасидан фойдаланиб ажратиш олишининг янги усули ишлаб чиқилган;

илк бор *Colchicum Luteum*, *Colchicum Kesselringii* ва *Merendera robusta* ўсимликларидан 45 та алкалоидлар ажратиш олиниб, уларнинг 11 таси янги асослар эканлиги аниқланган;

ажратиш олинган янги алкалоидларнинг тузилиши ва конфигурацияси кимёвий ҳамда спектрал усуллар ёрдамида исботланган;

ажратиб олинган янги алкалоидлар регеколхин, 12-деметиллутеин, крокиамин, 12-деметилрегеколин, 12-деметилрегелинон, 12-деметилрегелин, лутергин ва лутергинин асослари гомопроапорфин гуруҳига, меробустин, меробустинин ва оксиметилат мерендерин асослари гомоапорфин гуруҳига тегишли эканлиги аниқланган;

илк бор *Colchicum kesselringii* ўсимлигидан фенантрен алкалоидларининг гомопроапорфин аналоги – крокиамин ажратиб олинган;

илк бор колхамин ва аминаколхаминнинг таркибида учбоғ тутган янги 14 та ҳосилалари синтез қилинган ҳамда уларнинг тузилиши спектрал усуллар ёрдамида тасдиқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гомопроапорфин ва гомоапорфин асослари ҳамда уларнинг ҳосилаларини синтези ва модификацияларини тадқиқ этиш натижасида 12 та янги асосларни олиш усуллари ишлаб чиқилган;

колхаминдаги трополон халқасининг метоксил гуруҳи гидролиз қилинганда, унинг захарлилиги ҳамда антимиототик хоссаси камайиши аниқланган;

тери, ошқозон ҳамда қизилўнғач ракига қарши юқори фаоллик намоён қилган колхамин, аминаколхамин ва уларнинг пропаргил спирти билан кам захарли ҳосилалари олинган;

метакрил кислотанинг учбоғ тутган спиртлар билан ҳосил қилган эфирлари ёрдамида нисбатан юмшоқроқ шароитларда синтетик органик ва биоорганик кимё учун муҳим хомашё бўлган трополон қатори алкалоидларининг ҳосилаларини миқдорий унумларда олиш усуллари ишлаб чиқилган;

амалий аҳамияти юқори бўлган ацетиллаш, метиллаш, гидролиз ва Кижнер бўйича қайтариш реакцияси маҳсулотларини олишнинг қулай усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги уларнинг замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари кўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Олинган натижаларнинг исботи мутахассисларнинг эксперт баҳолари, тадқиқот натижаларининг амалга оширилиши, уларнинг республика ва халқаро конференциялардаги муҳокамаси бўлиб, натижаларнинг рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, *Colchicum* ва *Merendera* турига кирувчи ўсимликлардан янги алкалоидларни ажратиб олиш, метил ва ацетил гуруҳларини тутган янги ҳосилаларини синтез қилиш, кимёвий ўзгаришларини ўрганиш натижасида “тузилиш – реакция қобилият” ўзаро боғлиқлик қонуниятлари аниқланган. Тадқиқотлар давомида ўтказилган реакциялар, уларнинг механизмлари назарий органик кимё, трополон алкалоидлари, уларнинг учбоғ тутган аналогларини ўрганишда ҳамда илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти *Colchicum* ва *Merendera*

турига кирувчи ўсимликлардан 45 та гомоапропорфин ва гомоапорфин алкалоидларини ишлаб чиқилган экстрацион усул ёрдамида ажратиб олиш улардан 11 тасининг янги эканлиги, колхаминнинг ва аминоколхаминнинг мураккаб эфир гуруҳи ва ацетиленли карбинол боғига эга бўлган 14 та ҳосилаларини синтез қилиш амалий аҳамиятга эга реакция маҳсулотларини олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқишга, олинган бирикмалар орасида аниқланган тери, ошқозон ҳамда қизилўнгач ракига қарши фаолликлари юқори бўлган моддалар асосида ўсма касалликларига қарши препаратлар олишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Colchicum ва Merendera ўсимликларидан алкалоидларни ажратиш, модификациялаш, тузилишини тадқиқ этиш бўйича илмий-тадқиқотлар натижаларига асосан:

Colchicum ва Merendera ўсимликларидан алкалоидларни ажратиш, модификациялаш, физик-кимёвий усуллар ёрдамида уларнинг тузилишини аниқлаш натижасида олинган маълумотлардан юқори импакт факторли (IF) 4 та хорижий журналларда, мазкур синфга мансуб янги бирикмаларни синтез қилиш, тузилишини аниқлаш ва физик-кимёвий таҳлил қилишда фойдаланилган (Chemistry of Natural Compounds, 2003, 39(2):212-214, ISI, Scopus, JCR IF=1,029; Tetrahedron, 2011, 67(3):569-575, ISI, Scopus, JCR IF=2,233; Current Topics in Medicinal Chemistry, 2014, 14(2):274-289, ISI, Scopus, JCR IF=3,108;). Натижада бензол ва трополон ҳалқалари билан конденсирланган гомоапропорфин ва гомоапорфин қаторидаги алкалоидларнинг мақсадли синтезини амалга ошириш имконини берган;

Colchicum ва Merendera ўсимликларидан ажратиб олинган колхамин алкалоиди асосида синтез қилинган метакрил кислотанинг 4-(колхамино-N-бутин-2-ил) эфири ОТ-А-10-2-рақамли «Айрим алкалоидлар асосида тери саратонига қарши дори-дармонлар яратиш ва ишлаб чиқариш» мавзусидаги (2017-2019 йй) лойиҳада янги тери саратонига қарши дорилар яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 февралдаги 89-03-527-сонли маълумотномаси). Натижада синтез қилинган алкалоидлар ҳосилалари ва сувда эрувчан ацетилцеллюлоза асосида тери ракига қарши дори воситаси ишлаб чиқиш имконини берган;

Марказий Осиёда ўсадиган лолагулдошлар оиласига кирувчи сариқ савринжон (Colchicum luteum baker) ўсимлиги таркибидаги алкалоидларни ажратиб олиш усули “NOVA PHARM” МЧЖ Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонасида амалиётга жорий этилган. (“NOVA PHARM” МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонасининг 2020 йил 20 июлдаги 056-сонли маълумотномаси). Натижада Марказий Осиёда ўсадиган лолагулдошлар оиласига кирувчи сариқ савринжон (Colchicum luteum baker) ўсимлиги алкалоидлари йиғиндисини ажратиш ва уларни асослаш имконини берган.

Олинган натижаларнинг апробацияси. Олинган илмий натижалар 12 та, шулардан 8 та халқаро ва 4 республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Натижаларнинг чоп этилиши. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан: 1 та монография, 9 та халқаро ва 3 та Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан докторлик диссертацияларни натижаларини чоп этиш тавсия қилинган миллий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиш ва ҳажми. Диссертация иши тўртта боб, кириш, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 179 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган. Тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги, илмий янгилиги, амалий тадқиқотлар натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Colchicum L. ва Merendera robusta ўсимликлари алкалоидлари”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили кўриб чиқилган. Алкалоидларни ажратиш, тузилиши ва модификацияси тўғрисидаги замонавий маълумотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Colchicum L ва Merendera robusta ўсимликларидан алкалоидларни ажратиш”** деб номланган иккинчи бобида икки тур ўсимликлари таркиби ўрганилишига бағишланган бўлиб, уларда ўсадиган ҳудудга кўра алкалоидлар фракциясининг таркиби ҳам фарқланиши кўрсатилган. Шундай қилиб, Сирдарёнинг ўрта оқимининг чап қирғоғида ўсадиган савринжонлардан ажратилган асосларда халқда аксиал ҳолатдаги гидроксил гуруҳи сақлаган гомопрорфин алкалоидлари (кессельрингин, регеламин, регеколин, регелинон ва б.), Чирчиқ дарёси водийсида эса, экваториал йўналган гидроксил гуруҳли алкалоидлар (лутеин, регелинин, изорегеколин ва б.) учрайди. Санграйқулоқ ўсимлигининг Ашхобот ва Бухоро вилоятдан йиғилган ўсимликлар намуналарининг асосли фракциялари таркиби эса бир-биридан анча катта фарқ қилиши аниқланган (1-жадвал).

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, алкалоидлар миқдорий ва сифат таркибини тўлиқ аниқлаш учун, маълум бир амалий аҳамиятли алкалоидни олиш учун хом ашёни танлаш, ҳар хил ўсиш жойларидан ўсимликларни ўрганиш керак. Биз ўрганган ўсимликлар ўсмага қарши алкалоидлар колхамин, колхицин ва фармакологик жиҳатдан кам ўрганилган гомопрорфин ва гомопрорфин асосларининг манбаи ҳисобланади.

1- жадвал

Савринжон ва санграйқулоқ ўсимликларида алкалоидларнинг миқдори

Тарқалиш жойи	Хом-ашё массаси (кг)	Алкалоидлар фракциялари, г					Алкалоидлар йиғиндиси, г
		Нейт-рал	Фенолл и	Кисл отали	Асос ли	Фенол-асосли	
1. Оқ савринжон (<i>Colchicum kesselringii</i>)							
Сирдарё вилояти	10	0,14	0,02	0,07	0,41	0,65	
Сурхондарё вилояти	1,4	0,13	0,02	0,03	0,17	0,45	
Тожикистон республикаси Хисор тумани	1,1	0,15	0,014	0,016	0,134	0,68	
2. Сарик савринжон (<i>Colchicum luteum</i>)							
Сурхондарё вилояти	1,02	0,105	0,105	0,105	0,22	1,63	
Қашқадарё вилояти	8,5	0,17	0,04	0,02	0,24	0,51	
Тожикистон республикаси Хисор тумани	0,4	0,99	0,13	0,05	0,29	1,58	
3. Йирик санграйқулоқ (<i>Merendera robusta</i>)							
Туркманистон республикаси Ашхобод вилояти	1,0	0,17	0,02	0,03	0,12	0,41	
Сурхондарё вилояти	3,1	0,12	0,08	0,01	0,08	0,35	
	2,3	0,08	0,06	0,07	0,08	0,28	

Диссертациянинг учинчи боби «Ажратиб олинган алкалоидларни тузилиши ва модификациялаш» деб номланган бўлиб, бу бобда алкалоидлар фракцияларининг сифат таркиби ва бирикмаларнинг индивидуаллигини аниқлаш натижалари берилган.

Регеколхиннинг таркиби (1) $C_{19}H_{25}O_4N$ тузилишида бўлиб, унинг суёқланиш ҳарорати 230-231 °C га ва $\alpha_D +36$ га тенг. УБ-спектрида 214 ва 287 нм да ютилиш максимумларини кўринса, ИҚ-спектрида- бензол халқасининг (1595 см^{-1}), метилен ва гидроксиль гуруҳларнинг ($1475, 3500\text{ см}^{-1}$) ютилиш чизиклари намоён бўлади.

ПМР-спектрида бирикманинг Н-3 ароматик протон (1Н,с, 6,45 м.д.), бензол халқасининг метоксил гуруҳи (3Н, с, 3,75 м.д.) ва N-метил гуруҳлари (3Н,с, 2.36 м.д.) учун ютилиш чизиклари кўринади. Масс-спектрида эса бу гуруҳлар m/z 331 (M^+ , 46%) 330 ($(M-1)^+$ (100%), 270, 244 нуқталарда ютилиш максимумларига эга бўлади.

Асосни концентранланган сульфат кислота иштирокида сирка ангидриди билан ацетиллаш натижасида О,О-диацетил ҳосиласи (2; 1-схема) олинди ва ИҚ-спектрдаги 1750 и 1740 см^{-1} соҳалардаги ютилиш чизиклари ҳамда ПМР-спектридаги - уч протонли синглет чизикларининг 2,02 дан 2,00 м.у. гача силжиши билан тасдиқланди.

Ўрганилган ўсимлик турларидаги алкалоидлар

№	Бирикмалар	Таркиби	Суюқланиш харорати, °C	α_D	C.kesselringii	M.robusta
1	Колхицин	C ₂₂ H ₂₅ O ₆ N	155-157	-121	+	+
2	β -Люмиколхицин	C ₂₂ H ₂₅ O ₆ N	184-185	+308	+	+
3	Крокифлорин	C ₂₂ H ₂₇ O ₅ N	209-210	-255	+	-
4	3-Деметилколхицин	C ₂₁ H ₂₃ O ₆ N	276-278	-263	+	+
5	Колхицеин	C ₂₁ H ₂₃ O ₆ N	175-177	-236	+	+
6	3,10-Дидеметилколхицин	C ₂₀ H ₂₁ O ₆ N	259-261	-230	+	
7	2-деметил- β -Люмиколхицин	C ₂₁ H ₂₃ O ₆ N	235-237	+294	+	+
8	Кессельрингин	C ₁₉ H ₂₅ O ₄ N	197-198	+53	+	-
9	Лутеин	C ₁₉ H ₂₅ O ₄ N	228-229	+93	+	-
10	Регелин	C ₂₀ H ₂₇ O ₄ N	199-200	+93	+	-
11	Регеламин	C ₁₉ H ₂₅ O ₄ N	224-226	+33	+	-
12	Йолантамин	C ₁₉ H ₂₃ O ₃ N	215-216	+112	+	-
13	Колхамин	C ₂₁ H ₂₅ O ₃ N	184-186	-127	-	+
14	Колхамеин	C ₂₀ H ₂₃ O ₅ N	133-135	-211	-	+
15	2-Деметилколхамин	C ₂₀ H ₂₃ O ₅ N	136-138	-120	-	+
16	Регеколин	C ₁₉ H ₂₃ O ₄ N	312-314	+53	+	-
17	Изорегеколин	C ₁₉ H ₂₃ O ₄ N	285-287	-	+	-
18	Регелинон	C ₁₉ H ₁₉ O ₅ N	316-317	-	+	-
19	Изорегелинон	C ₁₉ H ₁₉ O ₅ N	321-323	-	+	-
20	Регелинин	C ₂₀ H ₂₇ O ₄ N	253-254	+46	+	-
21	Мерендерин	C ₂₁ H ₂₅ O ₅ N	229-230	+105	-	+
22	Регеколхин	C ₁₉ H ₂₅ O ₄ N	230-231	+36	+	-
23	12-Деметиллутеин	C ₁₈ H ₂₃ O ₄ N	177-178	-	+	-
24	Крокиамин йодметилат	C ₂₂ H ₃₃ O ₄ N ⁺ J ⁻	229-230	-	+	-
25	Меробустин	C ₂₁ H ₂₅ O ₅ N	241-242	+76	-	+
26	Меробустинин	C ₂₁ H ₂₅ O ₅ N	216-218	+42	-	+
27	Мерендерин оксиметилат	C ₂₂ H ₂₈ O ₅ N ⁺ OH ⁻	-	-	-	+

Сирка ангидриди ва сувсиз натрий ацетат таъсирида регеколхин O,O,N - триацетил ҳосиласи ҳосил бўлади (3); Бу эса ИҚ-спектрда иккита O,O,N-ацетил (1750 см⁻¹) ва битта N-ацетил гуруҳларининг (1650 см⁻¹) ютилиш чизиқлари билан тасдиқланади.


Ароматик ва метил гуруҳлари протонлари, шунингдек, Н-11 геминал протонларнинг ПМР-спектридаги, кучсиз аралаш майдонли соҳа (4,90 м.у.) диацетилрегеколхинга тегишли бўлиб, лутеин қатори алкалоидларига яқинлигини тасдиқлайди. Буни лутеиндан регеколхинни синтез қилинганлиги ҳам исботлайди (4). Лутеин диазометан таъсирида O-метил ҳосиллага айланади (5) ва 5 % ли сульфат кислота иштирокида гидролизланиб, хроматографик усул билан тасдиқланган регелколхинни ҳосил қилади.

Шундай қилиб, регеколхиннинг 11,12-дигидрокси-2-метокси-1,12-оксагексагидрогетероапорфин таркиби D (I) халқанинг гидроксил

гуруҳидаги экваториал йўналиш билан изоҳланади. Лутеиннинг С-ба атомдаги ўзига хос айланиши ва корелляциясининг ижобийлиги Р-конфигурацияга мос келади.

1-схема

Регеколхиннинг тузилиши ва кимёвий ўзгариши



12-Деметиллутеин (6) C₁₈H₂₃O₄N таркибга эга бўлиб, унинг суюқланиш ҳароарти 177-178°C га тенг. Буни ИҚ-спектрида бензол халқаси, метилен ва гидроксил гуруҳларнинг (1470, 1595, 3460 см⁻¹) соҳалардаги ютилиш чизиқлари тасдиқлайди. Масс-спектрда эса m/z 317 (M⁺, 42%), 316 (M-I)⁺(100%), 299 (M-18)⁺, 298 (M-19)⁺, 274 (M-43)⁺ ионларнинг ютиилиш соҳалари кўринади.

ПМР-спектрида асоснинг Н-3 ароматик протон (1H,с, 6,50 м.у.) ва N-метил гуруҳ (3H,с 2,35 м.у.) ютилиш чизиқлари исботлайди.


Юқорида келтирилган спектр натижаларига асосланиб, бу бирикма ҳам спироциклогексанол халқали гомопрорпорфин асослари қаторига кириши ҳақида хулоса қилинди. ПМР-спектрдаги метоксил гуруҳ протонлари ютилиш чизиқларининг йўқлиги кессельридин алкалоиди таркибидаги гидроксил гуруҳи каби кислород сақловчи функционал гуруҳли асос эканлиги ҳақида тахмин қилиш имконини берди. Буни тасдиқлаш учун асосни ацетиллаш реакцияси олиб борилди. Бунда ПМР-спектрида уч протонли синглетнинг 2,00 дан 2,02 м.у, гача ўзгариши кузатиладиган бирикма синтез қилинди. Асос таркибидаги фено-гидроксил гуруҳларнинг мавжудлиги ишқорда эриши билан аниқланди.

Асоснинг ПМР-спектрида куйи соҳа минтақасида якка протонли сигнал 3,68 ppm да пайдо бўлади, бу диацетил ҳосиласининг спектрида кучсиз майдонга силжийди ва 4.86 ppm да намоён бўлади. Буни фенол гидроксил гуруҳи протонининг диацетил бирикмасидаги О-ацетил гуруҳига таъсири билан изоҳлаш мумкин. 11 ва 5,5 Гц частотали жуфт протон сигналларининг айланувчи ва корелляцион тебранишлари қийматининг икки баробар ортиши

D халкада C-11 нуқтада жойлашганлиги ва битта метилен гуруҳига яқинлигини кўрсатади. Келтирилган натижаларга асосланиб, асоснинг диацетилли ҳосиласига 2-схемадаги тузилиш тўғри келади, деб хулоса қилиш мумкин.

2- схема


12-деметиллутеиннинг тузилиши ва кимёвий ўзгариши



2-схемада асоснинг диацетилли ҳосиласига қуйидаги маълумотлар мос келади: асосни диазометан билан метиллаганда регеколхинга тўғри келувчи О-метилли ҳосиласи ажратилди ва метанолиз реакцияси оқибатида регелинингга айланди (5). Асоснинг тузилиши 2,11,12-тригидрокси-1,12-оксагексагидро-гомопропорфин (6) каби эканлиги лутеинни (4) кислотали гидролизлаш орқали олиш билан исботланди.

3-схема

Крокиаминнинг тузилиши ва қисман синтези



Крокиамин (8; 3-схема) йодметилат кўринишида ажратилди ва $C_{22}H_{33}O_4N^+J^-$ таркибга, $229-230^\circ$ суюқланиш ҳароратига ҳамда $[\alpha]_D^{+29}$ тенглиги аниқланди. ИҚ-спектрда бензол халқанинг (1600 см^{-1}), метилен ва метоксил гуруҳларнинг ($2975-2860$, $1490-1450\text{ см}^{-1}$) ҳамда гидроксил гуруҳ (3530 , 1095 см^{-1}) нинг ютилиши чизиклари намоён бўлади. ПМР-спектрда (CD_3OD 5-расм) N-метил гуруҳга иккита метоксил гуруҳларнинг алициклик (3,37 м.у.) нуктадан ароматик (3,80 м.у.) халқа нукталарига тегишли учта тўққиз протонли синглетлар кўринишидаги (3,22 м.у.) чизиклар намоён бўлади.

Кучсиз спектр соҳасида учта битталиқ протон чизиклари: H-3 ароматик халқа (6,80 м.у., с, 1H) ва иккита олефин протонлари учун намоён бўлиб, H_α (5,90 м.д., м, 1H) и H_β (6,55 м.д., д, 1H) В-халқанинг АВ-системасини ҳосил қилади ва олефинли боғ мавжудлигини кўрсатиб беради.

Суюлтирилган кислоталарда қиздирилганда алициклик халқада жойлашган оксиметил гуруҳларининг бири гидролизланади. Бу эса, у бошқа гомопропорфин алкалоидлари каби кетал характерга эга эканлиги ҳақида тахмин қилиш имконини беради. Бирикмада триацетиламин йодметилатнинг мавжудлиги эса бошланғич асосда диметиламино гуруҳ борлигини ва ациклик характерга эга эканлигини билдиради.


Шунга кўра, крокиамин тузилиши бўйича очиқ халқали н-метилкессельрингиннинг метил эфирига яқин ва уни кессельрингидан қисман синтез қилишни ўрганилди. Бу бирикмага калий карбонатнинг метанолдаги эритмаси иштирокида метил йодид таъсир эттирилганда О-метилкессельрингиннинг йодметилати ҳосил бўлади (12). Бу моддага намланган кумуш оксиди кукуни таъсир эттирилганда термик барқарор ва қиздирилганда парчаланмайдиган тўртламчи асос ҳосил бўлади. Унга метил йодид таъсир эттирилганда эса, яна йодметилатга айланади.

12-деметилрегеколин. Кимёвий таркиби $C_{18}H_{14}O_4N$ тузилишли бўлиб, $312-314^\circ C$ ҳароратда суюқланади, УБ-спектрда 248, 300 ва 395 нмларда ютилиш максимумларини беради, ИҚ-спектрда эса – гидроксил гуруҳ (3240 см^{-1}), карбонил гуруҳ (1690 см^{-1}) ва бензол халқасининг $C=C$ -боғининг (1585 см^{-1}) ютилиш чизиклари кўринади.

ПМР-спектрда (CD_3OD да) битта метосил гуруҳ (6,70 м. д.) ва битта гидроксил гуруҳ (3,88 м. д.) протонларига тегишли тебранишлар пайдо бўлди.

12-деметилрегеколиннинг масс-спектрида m/e 341 (M^+ , 100%), 326, 298, 242, 241, 240, 228, 227, 213, 212 ионларнинг азотсақловчи фрагментларнинг ютилиш чизиклари намоён бўлади. Спектрал натижаларга асосланиб, 12-деметилрегеколин бошқа маълум изохинолин асослардан фарқ қилади ва уни савринжондан ажратиб олинган алкалоидлар гуруҳига киритиб бўлмади. Тадқиқот натижаларига кўра, бирикмани лолагулдошлар оиласига кирувчи колхицин сақловчи ўсимликлар, жумладан савринжондан ажратиб олинган алкалоидлар, яъни кессельрингин қатори алкалоидлар қаторига кирувчи гомопропорфин асослар гуруҳига киритилди.


12-деметилрегеколиннинг тузилиши ва кимёвий ўзгариши



12-деметилрегелин. Кимёвий таркиби $C_{19}H_{25}O_4N$ тузилишга эга бўлиб, $179-188^{\circ}C$ суюқланади. Унинг УБ-спектрида 248, 300 и 395 нмдаги ютилиш чизиқлари, ИҚ- спектрда эса гидроксил гуруҳи (3240 см^{-1}), карбонил гуруҳи (1690 см^{-1}) ва бензол ҳалқасининг $C=C$ -боғлари (1585 см^{-1}) учун ютилиш чизиқлари намоён бўлади.

ПМР-спектрида асоснинг Н-3 (1Н, с, 6,45 м.у.) ароматик протонининг метоксил гуруҳи, бензол ҳалқасининг метоксил гуруҳи (3Н, с, 3,75 м.у.) ва N-метил гуруҳи (3Н, с, 2,36 м.у.) нинг ютилиш чизиқлари кўринади.

12-деметилрегелиннинг тузилиши ва кимёвий ўзгариши



12-деметилрегелиннинг масс – спектрида m/e 341 (M^+ , 100%), 326, 298, 242, 241, 240, 228, 227, 213, 212 ионларнинг азот сақловчи фрагментларининг

спектр чизиклари аниқланади. Спектрал натижаларга кўра, 12-деметилрегелин бошқа маълум изохинолин асосли алкалоидлардан кескин фарқ қилади ва уни савринжон алкалоидлари гуруҳига киритиш имкони бўлмади. Тадқиқот натижасига асосан бирикмани қатор колхицин сакловчи лагаулдошлар оиласига кирувчи ўсимликлардан ажратиб олинган гомопроапорфин алкалоидлари гуруҳига киритилди.


12- деметилрегелинон. Кимёвий таркиби $C_{18}H_{16}O_5N$ тузилишга эга бўлиб, $316-317^{\circ}C$ суюқланади. Унинг УБ-спектрида 235 и 273 нмдаги ютилиш чизиклари, ИҚ- спектрда эса гидроксил гуруҳи ($3530-3535\text{ см}^{-1}$), карбонил гуруҳи (1682 см^{-1}) ва бензол халқасининг $C=C$ -боғлари (1608 см^{-1}) учун ютилиш чизиклари намоён бўлади.

ПМР-спектрида асоснинг (CF_3COOH учун) Н-3 (1Н, с, (3,78 м.у.) ароматик протонининг метоксил гуруҳи, бензол халқасининг метоксил гуруҳи ва (3,88 м.у.) гидроксил гуруҳининг протонининг ютилиш чизиклари кўринади. 12-деметилрегелиноннинг масс – спектрида м/е 327 (M^+ , 100%), 315,300, 272, 256, 244, 242, 228, 205, 202 ионларнинг азотсакловчи фрагментларининг спектр чизиклари аниқланади. Спектрал натижаларга кўра, 12-деметилрегелин бошқа маълум изохинолин асосли алкалоидлардан кескин фарқ қилади ва уни савринжон алкалоидлари гуруҳига киритиш имкони бўлмади.


Лутергин. Кимёвий таркиби $C_{19}H_{21}O_4N$ тузилишга эга бўлиб, $234-236^{\circ}C$ да суюқланади. Унинг УБ-спектрида 233 ва 272 нмдаги ютилиш чизиклари кузатилиб, ишқорий реакцияда ютилиш чизиклари 8 нмга батохром силжийди ва асосда фенол гидроксил гуруҳи борлигини тасдиқлайди. Темир хлориди билан рангли реакция УБ-спектр натижаларини тасдиқлайди. ИҚ-спектрда эса $1679, 1670, 1617, 1603$ и 3540 см^{-1} ароматик халқа, енол гуруҳи ва гидроксил гуруҳлари учун тегишли бўлган ютилиш чизиклари намоён бўлади.

6-схема

12-деметилрегелиноннинг тузилиши ва кимёвий ўзгариши



Лутергиннинг тузилиши ва кимёвий ўзгариши



ПМР-спектрида асоснинг N-метил гуруҳи (2,37 м.у.), ароматик халқанинг метоксил гуруҳи (3,78 м.у.) ва (3,51 м.у.) қўшбоғдаги битта гидроксил гуруҳи протонининг ютилиш чизиқлари кўринади.

Тадқиқотлар натижасига кўра, лутергин бошқа маълум изохинолин асосли алкалоидлардан кескин фарқ қилиши аниқланди ва уни савринжон алкалоидлари гуруҳига киритиш имкони бўлмади.

Лутергиннинг УБ-спектрида 230 ва 272 нм даги ютилиш чизиқлари кузатилиб, ишқорий реакцияда ютилиш чизиқлари 8 нмга батохром силжийди ва асосда фенол гидроксил гуруҳи борлигини тасдиқлайди. Темир хлориди билан рангли реакция УБ-спектр натижаларини тасдиқлайди. ИҚ-спектрда эса 1677, 1667, 1616, 1601 ва 3535-3540 см^{-1} да ароматик халқа, енол гуруҳи ва гидроксил гуруҳлари учун тегишли бўлган ютилиш чизиқлари намоён бўлади.

Масс-спектрда m/z 329 (M^+ 37 %), 314,304, 286 (M -40%), 258, 242, 233 (M^+ 49, 100%), 231, 217, 182 ва 180 ионларнинг ютилиш максимумлари намоён бўлади.

ПМР-спектрида асоснинг N-метил гуруҳи (2,37 м.у.), ароматик халқанинг метоксил гуруҳи (3,78 м.у.) ва (3,51 м.у.) қўшбоғдаги битта гидроксил гуруҳи протонининг, ароматик ва олефин протонларининг (6,6 ва 5,79 м.у. даги битта протонли синглетли) ютилиш чизиқлари кўринади.


Тадқиқотлар натижасига кўра, лутергининг C_2 атомда деметилланган учламчи асос ва C_7 - C_8 атомларида қўшбоғли мукобил тузилишли бирикманинг изомери ҳисобланади.

Тадқиқот натижасига асосан бирикмани қатор колхицин сақловчи лолагулдошлар оиласига кирувчи ўсимликлардан ажратиб олинган

гомопропорфин алкалоидлари, жумладан *Colchicum luteum* алкалоиди гуруҳига киритилди.


8-схема

Лутергининнинг тузилиши ва кимёвий ўзгариши



Лутергининнинг турли кимёвий ўзгаришлари ва спектрал натижалари ўрганилди. Улардан энг муҳими (1-схема) асосга сирка ангидриди ва натрий ацетат таъсир эттирилганда, гидроксил гуруҳ ва тетраизохинолин ядроси мавжудлигини тасдиқловчи O,N-диацетил ҳосила олиниши ҳисобланади. (2. Лутергинин кислотали эритмада қиздирилганда, α-дикетон (3) ҳосил бўлади ва унинг тузилиши диоксим (4) олиш билан тасдиқланади. Асосни ацетиллаш натижасида кеталь (5) олинади. Лутергининни гидразин гидрат билан (Кижнер бўйича) қайтарилганда (6) каталитик парчаланишга учраб, таркибида циклопропан халқа тутувчи пиразалин ҳосила ҳосил бўлади (7).

Метробустин спектрал маълумотларга асосан лолагулдошларнинг гомоапорфин алкалоидлари гуруҳига киради. Масспектрдаги ион чўққиси (M-17)⁺ нинг энг юқори интенсивлиги ва барча метоксил гуруҳларининг сигналларини 1 ва 12 ҳолатларда спектрнинг нисбатан кучсиз соҳасида намаён бўлади.



Диазометан билан метилланганда асос О-метилкреизигин (31) билан аниқланган о, о-диметил Ҳосила ҳосил қилади. Бинобарин, меробустиндаги гидроксил гуруҳлар 1 ва 12 позицияларда бўлиб, унга 1,12-дихидрокси-2,10,11-триметоксигомоапрофин тузилиши мос келади (30). Шундай қилиб, меробустин *Colchicum cornigerum* дан ажратиб олинган СС-28 алкалоидининг энантиомери ҳисобланади.

$C_{21}H_{25}O_5N$ таркибли меробустинин (33), эриш харорати 216-218⁰ ва α/D +42⁰, УБ спектрда, 258 ва 292 нм да максимал ютилиши билан, мерендерин ва меробустинга яқин бўлади. Унинг ПМР спектрида N-метил гуруҳи (3H,с, 2,38 м.д.), ҳамда учламчи метоксил гуруҳи (3Hх3,сс, 6,68 и 6,55 м.д., H-3 и H-9) протонлар сигналлари мавжуд. Спектрнинг нисбатан кучли соҳасида аралашган иккиламчи метоксил гуруҳ сигналлари (3.60 ва 3.52 м. д.) 1 ва 12 / 33/ ҳолатларларда жойлашганлигини кўрсатади. Бирламчи Метоксил гуруҳи томонидан ўрин алмаштирилиши m/z 371(M⁺), 356 (M-15)⁺, 354 (M-17)⁺ ва (M-31)⁺ ионлар чўққиларини кўрсатадиган алкалоиднинг масса спектри билан ҳам тасдиқланади, айниқса уларнинг охиридагилари интенсификацияланади.

Шунингдек, меробустин ва меробустинин айланма қонуниятли гомоапрофин алкалоидлари бўлганлиги туфайли улар абсолют S - конфигурацияга мос келади.

Таркибида $C_{22}H_{28}O_5N^+OH^-$ бўлган Мерендерин оксиметилат (35) 260 ва 294 нм тўлқин узунлигида УБ спектрида энг юқори ютилишга эга. Унинг ИҚ спектрида бензол ҳалқаси, метилен ва гидроксил гуруҳлари (1460, 1600, 3460-3600 cm^{-1}) соҳаларда ютилиш чизиқлари мавжуд. Унинг ПМР спектрида (расм. 9) икки ароматик протонлар – H-3 ва H-9 (1Hх2, сс, 6,70 ва 6,65 м.д.), гидроксил гуруҳ (6,16 м.д.), гуруҳ (6,16 м.д.), уч метоксил гуруҳлари (6H, с, 3,88 м.д. и 3H,с, 3,67 м.д.) ва икки N-метил гуруҳлари (3Hх2, сс, 3,30 и 3,43 м.д.) сигналлари мавжуд.

Шунинг учун диазометаннинг бу бирикмага ҳам, мерендеринга ҳам таъсири (36) уларнинг диметил эфирлари (32) ни ҳосил қилиб, бир хил бўлиб чиқди. Шундай қилиб, ўсимликдан олинган ажратма мерендера оксиметилатнинг (35) тузилишига мос келади. Спектрал маълумотларга кўра бирикма гуруҳли гомоапрофин асосларига киритилди. Амино гуруҳни сигналлари кучсиз майдонга туширилган иккита метил гуруҳи билан алмаштириш ундаги азот атоми тўртламчи характерга эга деган хулосага келишга имкон берди.

Бу асос ва мерендерин йодметилатнинг хроматографик ҳаракатчанлиги ва ПМР спектрларини солиштирилганда (37, 9-схема) бу маълумотларнинг иккала бирикма учун айниятини кўрсатди. Бироқ, биринчиси галогенлар таркибига салбий реакция кўрсатди.

Меробустин (30) и меробустинин (33).


Меробустинни О-метилкреизигинда (31) метилланиши. Асосида 0,02 г бўлган 3 мл метанол эритмасига Диазометаннинг н-гександаги тўйинган эритмаси чайқатиб турилган ҳолатда қўшилди. Реакция туггандан сўнг эритувчини хайдаб, қолган қолдиқни кичик хажмдаги сув ва хлороформга ажратдик. Кейин одатдаги усулда ишлов бериш билан хлороформли

қисмидан О-метилкрейзигинни ажратиб олдик, мерендериндан олинган ажратмамиз ҳақиқий намуналар билан бир хил эканлиги аниқланди.

ПМР-спектр (м.д.): 6,58; 6,45 (1Нх2, сс, Н-3 Н-9), 3,85 (6Н), 3,83; 3,58 3,50 (3Н, сс) – 5OCH₃, 2,35 (3Н,с, N-CH₃).

9-схема.

Мерендера оксиметилатнинг тузилиши



О,О-Диацетилмеробустинин (34). Бир томчи концентранган сульфат кислотадан асосида 0,02г бўлган 1 мл сирка ангидридли эритмага қўшилди. Реакциядан сўнг ортиқча сирка ангидриди метанол қўшилган ҳолда вакуумда буғлатилди ва қолдиғи сувда эритилди. Сувли эритма аммиак билан ишқорланди ва реакция маҳсулоти хлороформ ёрдамида ажратиб олинди. О,О-диацетилмеробустинин ажратиб олинди.

ИК-спектр: 1740 см⁻¹ (2ОСОСН₃).

ПМР-спектр: 3,82; 3,58; 3,48 (3Нх3, сс, 3OСН₃), 2,00 (3Нх2, сс, 2OСOСН₃), 2,40 (3Н,с, N-CH₃), 6,76 ва 6,58 (1Нх2, сс, Н-3, Н-9) м.д.

Масс-спектр: m/z 455 (M⁺).

Мерендерин оксиметилат (35).

Мерендерин йодметилат (37) 2 соат давомида ортиқча миқдорда метил ёдид билан 3 г мерендиннинг (0.10) метанол эритмасидан (36) қиздириб олинди. R_f 0,65 (1 тизимида меандериннинг R_f 0,75 га тенг).

